



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2025 йил 15 октябрь, № 212 (9107)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодани телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАҲАЛЛА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда маҳалла институтини ислоҳ қилиш ва уни халқ ҳаётига яқин, самарали тизимга айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Маҳаллада “еттилик” тизими жорий қилиниб, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгани ҳисобига 7,5 миллион фуқаро камбағалликдан чиқди, ишсизлик даражаси 2 баробар қисқарди. Шунингдек, 3,5 минг маҳалла қиёфаси замонавий кўринишга келди.

Маҳалла раисларининг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилди. Улар бошчилигида “еттилик” вертикал тизими яратилди, етарли шароит, ресурс ва ваколатлар берилди. Маҳалладаги ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, иш ўрни яратиш учун маҳаллаларга банкир ва солиқчилар бириктирилди, инфратузилмага ҳам алоҳида маблағ ажратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари булардан самарали фойдаланиб, натижа кўрсатаётган маҳаллалар кўпчилиги, лекин айримлари ягона жамоа бўлиб ишлаб кетишни ҳалигача ўрганиганини кўрсатиб ўтди.

— Норин туманидаги Шўрариқ маҳалласига борганим вилоят ҳокимлари, республика, вилоят, туман раҳбарлари, “еттилик”нинг кўзини очиб, уларни сифат ва компетенцияни оширишга ундаши керак, — деди Президент.

Ўтган ҳафта имзоланган қарорга мувофиқ, Янги Ўзбекистон руҳи кириб бориши керак бўлган 33 та туман ва 330 та оғир маҳалла белгилаб олинди.

Бу туманларнинг ҳар бирига 100 миллиард сўмдан, 330 та маҳалланинг ҳар бирига эса 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилади. Жаҳон банки ва Ислом тараққиёт банкидан жалб қилинган 100 миллион доллар ҳам мазкур мақсадларга қаратилади. Бундан ташқари, ушбу туман ва маҳаллалардаги драйвер лойиҳалар инфратузилмаси учун яна 2 триллион сўм ажратилади.

Умуман, бу дастурни молиялаштириш учун 7 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Вилоят ҳокимларининг ўзи ҳам 2 тадан, туман ҳокимлари эса 1 тадан оғир маҳал-

лани белгилаб, уларга 5 миллиард сўмдан йўналтириши, яна 236 та маҳалла аҳолиси турмушида кескин ўзгариш қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Бир ой олдин “Ташаббусли бюджет” бўйича янги қарор қабул қилиниб, маҳаллада аҳолининг ўзи фаол бўлиб бошлаган лойиҳаларга кўмак берадиган тизим жорий қилинди. Бунда қайси маҳаллада аҳоли йўл, сув, мактаб, боғчани таъмирлашни бошлаган бўлса, харажатининг ярмини давлат қўлаб беради. Бу мақсадлар учун келгуси йилда яна 1 мингта лойиҳага 500 миллиард сўм ажратилади. Президентимиз бу борада яна бир янгиликни эълон қилди. Жорий йилдан бошлаб Солиқ қўмитаси ер ва мол-мулк солиқлари тўланганлик даражасига қараб, “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” рейтингини эълон қилади.

Бунда 100 талика кирган маҳаллага “Ташаббусли бюджет”нинг янги тизими бўйича инфратузилма харажатининг 75 фоизи бюджетдан тўлаб берилади. Шунингдек, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирига қўшимча 2 миллиард сўмдан ажратилади.

Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳар бирига ўз округидаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун 3 миллиард сўмдан маблағ беради.

Худуддаги санитария, экология ва ноқонуний қурилиш бўйича жарималарнинг 10 фоизи маҳалла бюджетига йўналтирилади. Маҳаллалар бюджетига 2026 йилдан бошлаб ҳар йили 200 миллиард сўмдан ажратилади.

Умуман, ушбу манбалар ҳисобидан келгуси бир йил учун 2 мингта маҳаллага қўшимча 8,5 триллион сўм маблағ берилади.

Туман ҳокимлари ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, “маҳалла еттилиги” билан янги ёндашувлар асосида ишлаши зарурлиги қайд этилди.

Масалан, Норин туманидаги Шўрариқ маҳалласи атрофидаги яна 6 та маҳаллага хизмат кўрсатадиган марказга айланмоқда. Бундан руҳланиб, ўнлаб тадбиркорлар турли лойиҳаларни илгари сурди. Ушбу маҳаллаларга архитектор ва урбанист жалб қилингани натижасида 7 та маҳалла қиёфа-

сини бутунлай ўзгартириш учун имконият пайдо бўляпти.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига “Ислохотлар штаби” билан бирга биринчи босқинда 33 та туман ва 330 та маҳаллада ишларни яна шундай ёндашув асосида йўлга қўйиш топширилди.

Йиғилишда маҳаллаларда тадбиркорлик лойиҳаларини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Барча маҳаллада иختисослашувни охирига етказиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бунда маҳаллалар аҳолиси билан учрашиб ва уларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, аниқ иختисослигини белгилаш, камида 200 минг аҳолини банд қиладиган микро-лоиҳаларни шакллантириш топширилди.

Маҳаллаларга 2 минг квадрат метргача бўш давлат объектларини аукционга чиқариш ваколати берилган. Эндиликда маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси бўш турган 5 минг квадратгача бўлган давлат мулкни аукционга чиқариши мумкин бўлади. Со-тувдан тушган маблағнинг 70 фоизи маҳалланинг ўзида қолади ва инфратузилмага сарфланади.

Шу билан бирга, маҳалла биноларини замонавий сервис объектига айлантириш учун тадбиркорларга қўшимча енгилликлар берилади.

Жумладан, шаҳар ва вилоят марказида тадбиркорлар томонидан қурилиб, пастки қаватига “маҳалла еттилиги” жойлашадиган бинолар 3 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади. Қишлоқ жойларда эса бу имтиёзлар 7 йил этиб белгиланади. Бино эгаси бўлган тадбиркорлар ушбу муддат давомида фойда ва айланмадан солиқни 50 фоиз пасайтирилган ставкада тўлайди.

Йиғилишда маҳаллалардаги ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси бўйича ечим топилиши керак бўлган бир қатор масалалар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, оилалар ажримлари, алимент тўлашдан бўйин товлаш, оиласи ва бола-ларини кредит қарзлари билан ташлаб кетиш ҳолатлари учраётгани, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари барчани — ҳокимлар,

“маҳалла еттилиги”, нуронийлар, бутун жамоатчиликни қаттиқ ташвишга солиши кераклиги қайд этилди.

Оила қуриш бу — нафақат ўзи, балки турмуш ўртоғи ва фарзандлари олдидаги катта масъулият эканини ёшларга тушунтириш, ажримлар оқибатида тарафлар, айниқса, фарзандлар оғир моддий аҳволга тушишининг олдини олиш мақсадида никоҳ шартномаси тузишнинг афзалликларини тарғиб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Айрим маҳаллалар, кўчалар, қурилишлар атрофи, ариқлар, хиёбонларда озодалик талабларига риоя этилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан бутун республикада тозалик ва озодалик ойлиги эълон қилиниши белгиланиб, ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими, ободонлаштиришга масъул ҳоким ўринбосарларига тегишли топшириқлар берилди.

Эндиликда “еттилик”, маҳалла аҳолиси яшил худуд қилиш ташаббуси билан чиқса, туман ҳокими 10 сотихгача ер майдони ажратиб бериши белгиланди. Ҳокимлар ва “еттилик” бунинг устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилиши, бу ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланилса, қонун устувор, жазо муқаррар бўлиши ҳақида огохлантирилди.

Мутасаддиларга “еттилик” фаолиятини комплекс баҳолайдиган тизимни ишга тушириш топширилди.

Туман ҳокимлари йил якунига қўра яхши ишлаган 10 та “еттилик”нинг барчасини мукофотлаш, уларга қўшимча устамалар беришни йўлга қўйди. Бундан буён “еттилик” ходимлари билан ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида йиғилиш ўтказиш тақққланиши белгиланди.

— Ислохотларимизнинг остонаси бўлган ҳар бир маҳаллага Янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш, энг аввало, “маҳалла еттилиги”нинг ягона жамоа бўлиб ишлашига бевосита боғлиқ, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда мутасаддилар ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, маҳалла раислари билан мулоқот қилинди.

Ў.А.

КўП ҚИРРАЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
14 октябрь куни

Россия Федерацияси
Президенти Владимир Путин
билан телефон орқали
мулоқот қилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражадаги келишувларни амалга ошириш нўқтаи назаридан янада ривожлантириш ва мустақкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг асосий кўрсаткичлари ўсиш суръатини сақлаб қолиш, шунингдек, икки мамлакат ҳудудлари даражасидаги кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Гуманитар ҳамкорлик, энг аввало, маданият, санъат ва таълим соҳаларида, шу жумладан, муҳандис кадрларни тайёрлаш борасида кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ў.А.

ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ

Маҳалла нафақат ҳудудий бошқарув шакли, балки аҳолининг кундалик ҳаёти, муаммолари ва орзу-умидлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ноёб ижтимоий институт ҳисобланади. У Ватан ичра кичик ватан, аждоқларимизнинг юксак тафаккурини, урф-одатлар ва аънаналарини ўзида мужассам этган маскан ҳамдир.

Муносабат

Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида у ҳаётимизга дахлдор бўлган барча масалаларни ҳал этишда халқ ва давлатни бир-бирига яқинлаштириб, муносабатларни тартибга солувчи муҳим тузилмага айланди.

Хусусан, “маҳалла еттилиги” тизими жорий қилиниб, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгани ҳисобига 7,5 миллион фуқаро камбағалликдан чиқди, ишсизлик даражаси 2 баробар қисқар-

ди. Маҳалла раисларининг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилгани, зарур шароитлар, ресурс ва ваколатлар берилгани бугун барча масалаларни шу ернинг ўзида ҳал этиш имконини берди.

Давлатимиз раҳбари раислигида маҳалла тизимидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу тизимни ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар том маънода унинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада оширади.



Сенат кўмитасида

ҚОНУНЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси мажлисида бир қатор муҳим қонунлар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Хусусан, “Хуқуқбузарликларнинг баравақт олдини олиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартришлар киритиш тўғрисида”ги қонун мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг мулоқо янги механизмларини жорий этишни назарда тутди.

Маъмурий жавобгарлиқ тўғрисидаги кодексда совуқ қуролни ёки унинг ўрнида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш билан боғлиқ хуқуқбузарлиқни бир йил давомида такроран содир этганлик учун

маъмурий жавобгарлиқ белгиланмоқда. “Қурол тўғрисида”ги Қонунга эса оилавий (маиший) зўравонлик жинояти содир этган шахсларни фуқаровий қуролни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда ҳимоя ордери берилган шахслардан ўқотар қуролни вақтинча олиб қўйиш каби ўзгартриш киритиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, “Наркологик касалликлар тўғрисида”ги Қонунга мажбурий даволашига жойлаштириш талабларини ўзгартриш ва олис ҳудудлардаги туманлараро тиббий комиссияларга мажбурий даволашга муҳтож деб топиш ҳуқуқини беришга доир қўшимчалар киритилмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Аҳоли манфаатлари муҳофазаси ва мустақкам ҳуқуқий асос

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланиш, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишга интилаётган ватандашларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, рецепт билан бериладиган дори воситалари ноқонуний айланмаси учун жавобгарлиқни қумайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди. Шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.

Ердан фойдаланувчиларнинг кафолатланган ҳуқуқлари таъминланади

Мажлисида дастлаб бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — хусусий мулк ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтириш, қишлоқ ҳўжалигига мўлжал-

ланган ер участкаларидан самарали фойдаланишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.



Онлайн учрашув

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛАР КЕЛИШУВИ

Олий Мажлис Сенатида Бирлашган Араб Амириклари парламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ аъзоларининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Мажлисида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий, инвестициялар, таълим, туризм ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли изчил ривожланиб бормоқда. Бу эса қўшма ташаббусларни амалга ошириш ҳамда янги йўналишлардаги шериклиқни чуқурлаштириш учун мустақкам замин яратмоқда.

Шунингдек, учрашувда олий даражада эришилган келишувларнинг ихроси юзасидан парламент назоратини амалга ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Яқунда парламентлараро гуруҳнинг кейинги фаолияти ва амалий ҳамкорлик режалари бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

АКС САДО

Давр масалаларига самимий жавоб

Яқинда “Российская газета” ва Ўзбекистондаги қатор даврий нашрларда таниқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Моя душевная боль...” (“Аламим бор...”) сарлавҳали мақоласи босилиб чиққан ва нафақат мамлакатимизда, балки ундан ташқарида ҳам катта акс садо берганди.

Муаллиф мақолада Ўзбекистоннинг жаҳон тарихи ва маданиятида тутган ўрни, маънавий меросимизни тиклашнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритар экан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу йўналишда кенг қўламли ишларни амалга ошириш бўйича ташаббусларига алоҳида эътибор қаратган. Бу эса газетхонларнинг кўнглидаги гап эди. Мақола бошқа бир қатор хорижий ОАВда ҳам чоп этилди. Турли мамлакатларда яшовчи зиёилилар сиёсатшунос томонидан билдирилган ғояларнинг самимий, чуқур маъноли ва долзарблигини эътироф этишмоқда.

Биз мазкур мақола юзасидан билдирилган фикрларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

3-саҳифага қаранг.



ҚОНУНЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Кўмита мажлисида “Харбий хизматчиларнинг, харбий хизматта мажбурларнинг ва сафарбарлик чакириви резервида ойлик йиғинларни ўтаётган шахсларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Сенаторлар Қуролли Қучларни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, биринчи навбатда, ҳалқимиз хавфсизлиги, тинчлиги ва оқоийшталигини таъминлашга қаратилган, комплекс чоралар натижада миллий армиямизнинг қиёфаси, қўшинларнинг тайёргарлик даражаси ўзгараётгани, инфратузилма ва харбий хизматчилар шароитлари яхшиланиб, жанговар бўлинмалар имкониятлари тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Мажлис якунида Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ҳузурида экспертлар гуруҳининг янги таркиби ҳам тасдиқланди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кўчайтиришга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгатиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун билан қатор қонунларга қўшимча ва ўзгатиришлар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, “Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахслар инфолатирувчи манбаларда ўрнатил-

диган автоматик мониторинг станциялари маълумотларини Атроф-муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига реал вақт режимида киритиши шарт эканлиги белгиланмоқда.

Ушбу талабни бажармаганлик, тўлиқ бажармаганлик ёки нотўғри маълумот киритганлик учун жарима тарзида молиявий санкция қўлланилиши назарда тутилган.

“Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг белгиланмаган жойга ташлаган чиқиндисини олиб чиқиб кетиши ёки тегишли харажатларнинг ўрнини қоплаб бериши назарда тутилмоқда.

“Лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунда давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталарни қўчириб ўтказганлик учун рўхсатнома бериш тартибини жорий этиш билан боғлиқ норма мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Сенаторлар томонидан “Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳам дастлабки тарзда муҳокама этилди. Аҳоли саломатлиги ва оқоийшталигига, уларнинг нормал дам олишига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли шовқинларга қарши курашиш масалаларини комплекс тартибга солувчи ягона ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур қонун билан аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг асосий принциплари, шовқиннинг таъсир метёллари, фуқароларнинг оқоийшталиги ва нормал дам олишини бузадиган ҳаракатлар ҳамда уларни бузишга йўл қўйилмайдиган вақтлар оралиги, атроф табиий муҳитга шовқин орқали зарарли таъсир кўрсатганлик учун компенсация тўловлари белгиланмоқда.

Мажлис якунида қўрилган масалалар юзасидан кўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенаторлар — ҳудудларда

Муаммо ва таклифлар муҳокамаси

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Андижон вилоятида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳудуддаги криминоген вазиятни барқарорлаштириш, коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги ўрганилди.

Мазкур жараёнда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида шаффофликни таъминлаш масалалари, шунингдек, аҳоли мурожаатларига муносабат билдириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашишдаги ҳамкорлиги, профилактик тадбирларнинг самарадорлиги атрофида ҳам кенг нишонланди.

Шунингдек, ҳокимликлар, ички ишлар, прокуратура, суд органлари, жамоатчилик вакиллари ва “маҳалла еттичилиги” билан учрашувлар ўтказилиб, жойлардаги муаммо ва таклифлар кўриб чиқилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ёшлар ҳамда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олиш бўйича амалга оширилаётган тарғибот ишларига ҳам эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, вилоятда коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маийий коррупцияга бараҳман бериш, ушбу офатга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш, бозорлардаги автотураргоҳлар фаолиятини рақамлаштириш, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича қабул қилинган “Йўл харитаси”, чора-тадбирлар режаси, комплекс дастурлар ижроси жойига чиққан ҳолда муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Шу билан бирга, ҳусусий мулк ҳуқуқининг ҳар қандай бузилиши учун жавобгарликни таъминлаш, ижарага олинган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг бир қисмига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)нинг ҳуқуқий асосларини белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, лойиҳада айрим қонун ҳужжатларига товарларнинг, хизматларнинг ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишига ёки товарлар реализациясига қонунга хилоф равишда аралашганлик ёҳуд тўқсинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Шунингдек, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида қўтарилган таклифлари асосида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижарачиси ўзига ижарага берилган ер участкаларидан бири ёки бир нечтаси бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) имконлиги нормаси акс эттирилган.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда ҳусусий мулк ҳуқуқи кафолатларини янада кўчайтириш, ердан фойдаланувчиларнинг кафолатланган ҳуқуқлари таъминланишига ҳамда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланиш имконини оширишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«Ватандош» картаси эгаларига имтиёзлар берилади

Депутатлар “Давлат божи тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13 ва 15-моддаларига қўшимча ва ўзгатиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модада-модда муҳокама этилди.

Мамлакатимизда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, тарихий Ватани атрофида янада жипс-лаштириш, уларнинг юртимизда олиб борилаётган ислохотлардаги иштирокини рағбатлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларининг тўлақонли ҳимояси борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилишга оид норма белгиланган.

Президентимизнинг 2024 йил 20 ноябрдаги тегишли қарори билан юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга интилаётган ватандошларни муносиб рағбатлантириш мақсадида “Ватандош” гувоҳномаси ва “Ватандош” карталари жорий этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга “Ватандош” картаси эгалари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун миграция ва фуқароликка доир ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда уларни ўз турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш (унинг мuddатини узайтириш) борасида имтиёзлар беришга қаратилган қўшимча ва ўзгатиришлар киритилмоқда.

Хусусан, “Ватандош” картаси эгаларининг оила аъзолари амалдаги виза мuddатини кўп марталик қилиб узайтирганда, шунингдек, улар ва оила аъзо-

Аҳоли манфаатлари муҳофазаси ва мустаҳкам ҳуқуқий асос

лари турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганда ҳамда рўйхатга олинган мuddатини узайтирганда давлат божидан озод этилиши назарда тутилмоқда.

Мунозаралар давомида депутат Зухриддин Мавлонов қонун лойиҳасининг 13-моддасида бож тўлашдан озод қилинадиган шахслар рўйхатида “Ватандош” картаси эгасининг оила аъзолари, яъни ота-онаси, эри, хотини ва вояга етмаган фарзандлари қиритилаётганини қайд этиб, ушбу рўйхатга фарзандликка олинганларни ҳам киритиш таклифини берди.

Қонун лойиҳасига масъул депутат Нодир Тилаволадиев мазкур мuddанин учинчи қисмида “Ватандош” картаси



эгасининг оила аъзолари (ота-онаси, эри (хотини) ва вояга етмаган фарзандлари) кўрсатиб ўтилатганини таъкидлаб, “фарзандлари” деган сўз айнан фарзандликка олинганларни ҳам қамраб олишини билдирди.

Депутатнинг фикрича, улар ҳам ҳуқуқий мақоми жиҳатдан фарзандлар билан бир хил мақомага эга бўлади ва ҳужжатларда уларнинг фарзандликка олингани эмас, балки фарзанд экани сифатида бир хил ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Мажлисида қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хорижда яшаётган ватандошларга Ўзбекистон ҳудудида профессинал, шу жумладан, тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишлари учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий шароитларни яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Аҳоли саломатлиги — энг устувор вазифа

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — рецепт билан бериладиган дори воситаларининг ноқонуний айланмаси учун жавобгарликни кўчайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Мажлисида қайд этилганидек, мамлакатимизда фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолини сифати ва хавфсиз дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳамда фармацевтика маҳсулотлари муомаласини тартибга солишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда рецепт билан бериладиган дори воситаларининг ноқонуний муомаласи, улар-

ни қонунга хилоф равишда реализация қилиш ва инсон ҳаёти учун хавфли оқибатларга сабаб бўлаётган ҳолатлар кўпаймоқда.

Амалдаги қонунчиликда бундай ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган санкциялар номуносив бўлиб, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ноқонуний муомаласига бараҳман бериш ва олдини олиш бўйича ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Таҳлилларга кўра, 2022 — 2025 йиллар давомида 18 млрд. сўмлик 285 минг дона дори воситаси ноқонуний айланмадан олиб қўйилган. Биргина 2024 йилда бундай ҳолатлар 2022 йилдагига нисбатан 3 баравар кўпайган.

аниқлаш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровига берилган жавобини кўриб чиқди.

Унда келтирилишича, айна вақтда республика бўйича 1,5 миллиондан ортиқ хонадонлардан иборат 44 280 та кўп квартиралли уй мавжуд. Шундан 39 859 та уйга 971 та бошқарувчи ташкилот, 851 та уйга 241 та уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 15 августдаги қарори ижросини таъминлаш доирасида 40 735 та кўп квартиралли уйнинг туташ ер участкалари чегаралари аниқланиб, уларни жойлар мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хозирда кўп қаватли уйларнинг туташ ҳудудларида 9 937 та болалар майдончаси, 2 385 та умумий фойдаланишдаги ҳоҳлатона, 285 минг погонметрга яқин ирригация тармоғи ҳамда 7,8 млн. квадрат метр бетон йўлақлар мавжуд.

2017 — 2024 йиллар давомида 2 777 та болалар майдончаси, 386 та умумий фойдаланишдаги ҳоҳлатона қурилиб, 92 минг погонметр ирригация тармоқлари ва 1,5 млн. кв. метр йўлақлар таъмирланган. 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган режаларга кўра яна 1 656 та болалар майдончаси, 474 та умумий фойдаланишдаги ҳоҳлатона, 176 минг погонметр ирригация тармоқлари ва 1,7 млн. кв. метр бетон йўлақлар қурилиши кўзда тутилган.

Кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларни ободонлаштириш, гул ва дарахт қўчатлари экиш ишларини амалга оширмоқда. Жорий йилнинг баҳорида 248 881 тул мева-вали ва манзарали дарахт ҳамда буталар экилган.

2025 йилда олиб бориладиган назорат тадбирлари давомида кўп квартиралли уйларга туташ ерларда 1 952 та ноқонуний қурилиш ҳолати аниқланган. Улардан 738 таси жойида бартараф этилган бўлса, қолган 1 214 та ҳолат юзасидан судларга даъво аризалари киритилган.

Шу йилнинг 9 ойи давомида вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан 1 807 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг аксарияти кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш органларидан бўлиб, таклиф ва муаммолар мунтазам таҳлил қилиниб, амалий чоралар қўрилмоқда.

Депутатлар ушбу йўналишда вазирлик томонидан муайян ишлар амалга оширилган, шу билан бирга, соҳадаги қонун бузилишларининг олдини олиш, кўп квартиралли уйларнинг туташ ер участкаларини кўп квартиралли уй-жой мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисида қарорлар қабул қилинишини жадаллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Шунингдек, уйларнинг туташ ер майдонларини ободонлаштириш ишларидан сўнг дарахтлар, гул қўчатлари ва бошқа яшил ўсимликларни қаровсиз қолдирмасдан доимий парваришлаб бориш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисида мазкур масала юзасидан доимий парламент назорати олиб қилиниши қайд этилиб, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ

Дарҳақиқат, бугунги кунда маҳаллалардаги ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, иш ўринлари очиш учун барча шароитлар яратилмоқда. Айниқса, маҳаллалардаги банк ва солиқчилар бириктеририлиб, инфратузилмани яхшилаш учун алоҳида маблағлар ажратилаётгани юқори самара бераётди. Бундай имкониятлардан умумли фойдаланиш, ижобий натижаларга эришаётган маҳаллаларимиз ҳам қўп.

Бирок айрим маҳаллаларда ягона жамоа бўлиб ишлаш, мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш борасида айрим муаммолар қузатилиётгани бу борада зарур чоралар қўриш, зарурат бўлганда шунингдек, Нормин туманидаги Шўраиқ маҳалласи барча вилоят ҳокимлари, республика, вилоят, туман даражасидаги раҳбарлар ва “маҳалла еттичилиги” учун кўзгу, сифат ва компетенцияни оширишга ундовчи омил сифатида кўрсатиб ўтилди.

Ушбу маҳалла тажрибаси алоҳида тилга олиниши беҳиз эмас. Чунки маҳалладаги ҳар бир имкониятни аниқлаб, уни истиқболли лойиҳага айлантириш, иш ўринларини яратиш ва аҳолининг даромадини оширишга қаратилган аниқ режалар ишлаб чиқилган. Банкир ва

солиқчиларнинг кўмаги, ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш, инфратузилмани яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали Шўраиқ маҳалласи қисқа вақт ичида сезиларли натижаларга эришди.

Мазкур маҳалла тажрибасини ўрганиш ва ўз ҳудудида қўллаб орқали бошқа маҳаллалар ҳам иқтисодий ривожланиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга эришиши мумкин. Утган ҳафта имзоланган туман, шаҳар ва маҳаллаларни намунали ҳудудга айлантиришга қаратилган Президент қарорига мувофиқ, мамлакатимизда Янги Ўзбекистон қиёфаси кириб борадиган 33 та туман, 330 та огир маҳалла белгиланган.

Мазкур ҳужжат ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ортада қолаётган ҳудудларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва инфратузилмани модернизация қилишга қаратилган билан диққатга сазовор. Ажратилган маблағлар йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш, канализация тизимларини модернизациялаш, мактаблар, шифохоналар, маданият марказлари ва

спорт майдончаларини қуриш ва таъмирлаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, касб-хунарга ўқитиш ва иш билан таъминлашга сарфланиши билан аҳамиятлидир.

Белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида ортада қолаётган ҳудудларнинг ривожланиши тезлашади, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади, янги иш ўринлари яратилади. Энг муҳими, камбағаллик даражаси қисқариб, инфратузилма модернизация қилинади.

Афсуски, маҳалла банкирлари, ҳоким ёрдамчилари ҳар бир маҳаллада ўртача 40 тадан микролойиҳа қилиши учун уларга жорий йилда 6,5 трлн. сўм ресурс берилганига қарамай ҳамма ҳокимлар ва “маҳалла еттичилиги” ҳам бир хил ишламаётди. Ҳудудлардаги 2 356 та маҳаллада эса ҳали иختисослашув даражаси анча паст.

Йиғилишда мутасаддиларга барча маҳаллада иختисослашувни охирига етказиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бунда маҳаллалар аҳолиси билан учрашиб, уларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб аниқ иختисослигини белгилаш, камида 200 минг аҳолини банд қиладиган мик-

ролойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Келгуси йилдан мева-сабзавотга иختисослаштирилган 2 682 та маҳаллага саноат олиб кириш учун имтиёзли ресурслар, аввало, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоклаш лойиҳаларига тақдим этилиши, Қонунчилик палатаси депутатларига ўз округидаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун ҳар бирга 3 млрд. сўмдан маблағ берилиши, маҳаллалар бюджетига 2026 йилдан бошлаб ҳар йили 200 млрд. сўмдан ажратилиши мутлақо тўғри ва оқилона қарор бўлди. Чунки бу орқали маҳаллаларнинг молиявий мустақиллиги таъминланади, инфратузилма яхшиланади ва аҳолининг турмуш даражаси ошади.

Видеоселектор йиғилишида белгиланб берилган залварли вазифалар депутатлар зиммасига катта масъулият оқюлади. Биз, халқ вакиллари маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш, иш ўринларини яратиш ва ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишимиз ва уларнинг ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатишимиз лозим бўлади.

Анваржон НУРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Сўнгги беш йилда Ўзбекистоннинг стартап экотизими жадал ривожланиб, умумий қиймати 3,9 млрд. долларга етди.

Ўтмиш, бутун ва келажак маёғи

Таникли сиёсатшунос Кудратилла Рафиқовнинг “Российская газета” ва бошқа нашрларда босилган “Моя душевная боль...” (“Алашим бор...”) сарлавҳали мақоласи катта қизиқиш уйғотди, мустақил Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги бўйича маёққа айланди.



Муаллиф Ўзбекистоннинг жаҳон тарихи ва маданиятида тутган ўрни, унинг йўқотилган ва қайта тикланаётган миллий ўзлиги ҳақида фикр юритади. Мақолада айтилганидек, кўп йиллар давомида синовлар ва қийинчиликлар шароитида яшаган Ўзбекистон ва унинг халқи айни даврда давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, илгари унутилган ва беаёв тортиб олинган буюк тарих, маданият ва аждодлар меросини қайта тиклаш йўлидан бормоқда. Таъкидланишича, бундай фидойи меҳнат — нафақат тарихни тиклаш, балки миллатнинг асл қиёфасини излаш, маънавий кучга эга бўлиш ва янгиланишдир. Муаллиф фикрича, ҳақиқий ва ҳолис адолат ана шунда.

Сиёсатшунос Кудратилла Рафиқов ёзганидек, мамлакатда учинчи Ренессанс ҳақида сўз бошланиб, бу ҳақда юқори минбардан айтилганида, айримлар бунга истехзо билан

қарашди. Шунга ўхшаш фикрлар энди йўқ, дея олмаймиз, улар бугунги кунда ҳам учраб туради. Лекин муаммо шундаки, ўша айрим кишилар сиёсатнинг фақат устки қатламини кўра олишади, холос. Муаллиф таъкидлаганидек, унинг моҳиятини тўлиқ англай олмайдилар.

Қадимги дунё, тарихий хотира ўзида донишмандликни мужассам этади. Шундай экан, мақола муаллифи нима учун давлат раҳбарининг ташаббуси билан 2017 йили Тошкентда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қурилиши бошлангани ҳақидаги саволга аниқ ва ишончли жавоб беради. Бу иншоот миллий тикланиш, фан, таълим ва маданият маркази сифатида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, у минтақадаги бой меросни — ислом меросини ўрганиш ва илгари суриш билан шуғулланади. Марказ буюк алломаларнинг асарларини тадқиқ этиш, анъанавий ҳунарларни тиклаш, зиёрат туризмни ривожлантириш, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу эса илмга, эътиқодга ҳурмат. Лойиҳада ўнлаб давлатларнинг илмий ва маданий муассасалари иштирок этишаётир. Айни пайтгача халқаро аукцион ва хусусий коллекция йиғувчилардан олинган 580 та артефакт мамлакатга қайтариб олиб келинди. Улар орасида ноёб қўлёзмалар, қурол-яроғ, кашталар ва тақинчоқлар бор.

Мақолада сўз юритилган Ўзбе-

кистондаги Ислом цивилизацияси марказини ўзгаришларнинг муҳим рамзи, дейиш мумкин. 42 минг квадрат метр майдонда жойлашган ушбу мажмуа минтақадаги жуда катта музей ва илмий марказга айланади. Бу ерда исломгача бўлган даврга, биринчи ва иккинчи Ренессансга, замонавий Ўзбекистонга тегишли экспозициялар жойлаштирилади. Марказ халқаро ҳамкорлик учун майдонча ролини ўтайди. ОАВларда хабар берилишича, дунёнинг 100 дан ортиқ етакчи институтлари ва музейлари унда қатнашиш истагини билдирган. Улар орасида Эрмитаж, Болонья университети, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази ҳам бор.

Мақола муаллифи таъкидлайдики, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази нафақат турк дунёсидаги, балки бутун ислом дунёсидаги ана шу йўналишда иш олиб борувчи илмий марказлар учун база вазифасини бажаради. Шунингдек, у Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасининг ривожига ҳисса қўшади.

Қ. Рафиқов томонидан Ватанга муҳаббат руҳида ёзилган мақолада

“ Бу иншоот миллий тикланиш, фан, таълим ва маданият маркази сифатида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, у минтақадаги бой меросни — ислом меросини ўрганиш ва илгари суриш билан шуғулланади. Марказ буюк алломаларнинг асарларини тадқиқ этиш, анъанавий ҳунарларни тиклаш, зиёрат туризмни ривожлантириш, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу эса — илмга, эътиқодга ҳурмат. ”



лари фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳам Ўзбекистонда учинчи Ренессансни, таълим ва фан соҳасидаги ислохотларни амалга оширишга кўмаклашади. Бизнинг Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университети Ўзбекистоннинг бир неча олийгоҳлари билан тузилган битимлар асосида ҳамкорликни йўлга қўйган. Улар орасида Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети ва бошқалар бор. Таълим муассасамизда кўплаб ўзбекистонлик талабалар таҳсил олишади ва малака оширишади. Университетимиз, шунингдек, ўзбекистонликлар орасидан бир қатор фан докторлари ва номзодларини тайёрлади.

Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ва илмий алоқалар мустаҳкамланмоқда, юзлаб қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳар гал Ўзбекистонда бўлганимда иқтисодиёт, саноат ва бошқа соҳаларда рўй бераётган кенг қўламли ўзгаришларни кузатаман. Мамлакат миллий қадрият ва анъаналарни тиклаган, сақлаган ва ривожлантирган ҳолда, ўзаро манфаатли халқаро муносабатларни мустаҳкамлашга интиломоқда.

Игорь МАКСИМЦЕВ,
Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Россия табиий фанлар академияси ва Олий таълим халқаро академияси ҳақиқий аъзоси.

Миллий ўзлик илдизлари

Кудратилла Рафиқовнинг “Российская газета” ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақоласи тарихий хотирани сақлаш, ўтмишга ҳолис баҳо бериш ва тарихий мероснинг бугунги кунни англашдаги ўрни каби долзарб мавзуларга бағишланган. Зеро, тарих — нафақат ўтмиш, балки ҳозирги замон тўғрисидаги ҳам фандир. Мақола муаллифи, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасидаги роли ҳақидаги мавзунини ҳам кўтаради.



Мақоланинг бошида Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбарияти Тошкентда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини очишда нимага асослангани ҳақида сўз боради. Адолат юзасидан қараганда, бунда у ислом дунёсининг илмий ва маданий маркази шухратини қайта тиклашга ҳисса қўшади, деган мақсад мужассам. Мамлакат катта инсоний салоҳият, табиий захиралар, қўлай география жойлашувга эга. Давлатнинг оқилона сиёсати иқтисодий ўсишга, мамлакатнинг обрўси ортишига хизмат қилади.

Ўзбекистон — сайёҳлик соҳасида минтақада етакчи мамлакат. Мақола муаллифи буюк ватандошлари — Ибн Сино, Беруний ва бошқа олимлар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг номлари кўпинча Ўзбекистон билан боғланмаган ҳолда тилга олиниши ва буни тўғрилаш кераклигини таъкидлайди.

Шунингдек, Қ. Рафиқов тарихнинг узвий боғлиқлиги ҳақида фикр юритади. Бунда аввалгил даврларда тарихни ёритиш бўйича йўл қўйилган хатоликларни тўғрилаш мамлакатнинг обрўси янада ортишига хизмат қилади.

Муаллиф миллий ўзлик генезисини мавзусини кўтариб чиқади ва бунда тарихнинг миллат учун умумий консенсусни ташкил этувчи лаҳзаларини алоҳида ажратиб кўрсатади. Тарих ва маданият — фуқаролик жамияти ҳамда давлат шаклланиши учун асосий омиллар. Муаллиф бой берилган мuddатлар, йўқотилган вақт ҳақида ўйланади, лекин бундай муаммоларни ҳал этишда шошмасишарлик ярамайди. Бой тарих билан фахрланиш керак, аммо баҳсли нукталарни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилган маъқул.

Муаллиф — Ўзбекистон ватанпарвари, у чиндан ҳам мамлакат учун қайғуради, келажакдан асосли умидлар рўёбини кутади.

Михаил ВОЛХОНОВ,
Кострома давлат қишлоқ ҳўжалиги академияси ректори, техника фанлари доктори, профессор.

Маънавий қиёфа ва тараққиёт

“Российская газета” ва Ўзбекистон босма нашрларида чоп этилган таникли сиёсатшунос Кудратилла Рафиқов муаллифлигидаги “Моя душевная боль...” (“Алашим бор...”) сарлавҳали мақола катта акс садо берди. У миллий қадриятларни тиклаш ва уларнинг давлат тараққиётидаги ўрнини англашга бағишланган. Мақолада кўтарилган мавзунинг нақадар долзарблигини баҳолаш ҳам мушкул, негаки, унда миллатнинг маънавий қиёфасини шакллантирадиган асослар ҳақида сўз боради ва бу асослар жамиятнинг истикболдаги барқарорлигини белгиллаб бериши айтиб ўтилади. Айнан шунинг учун ҳам мақола кенг газетхонлар оммасида қизиқиш уйғотди.

Волгабўйи тиббий тадқиқотлар университети кўп йиллар давомида Ўзбекистондаги таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келади. 2019 йилдан бошлаб республиканинг 7 та тиббиёт олий ўқув юрти билан икки дипломли дастур амалга оширилиб келинади, унинг доирасида қарийб 1,5 минг нафар бўлғуси шифокорлар университетимизда таълим олишмоқда.

Биз Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятини ҳурмат қиламиз, ҳамкасбларимиз билан ўрнатилган муносабатларни қадрлаймиз. Мамлакатингизда рўй бераётган ўзгаришларни кузатиб борамиз. Кудратилла Рафиқовнинг “Моя душевная боль...” мақоласи билан танишгач, куйидаги фикрларни билдиришни лозим топдик.

Мақола муаллифи айтишича, миллий қадриятлар — ўтмишнинг қотиб қолган мероси эмас, балки



мамлакатнинг илдам ривожланишини таъминлашга қодир бўлган жонли захирадир. Муаллиф жамиятнинг маданий ва маънавий асосларини иқтисодиёт ёки сиёсатга ўз ўрнини бўшапти берадиган иккинчи даражали элемент эмас, деб

таъкидлайди. Ахир айнан қадриятлар бутун ислохотлар тизими суянадиган таянчдир. Мақолада ана шунга ургۇ берилиши эса замонавий дунёда тараққиётнинг маънавий ва маданий омилларига етарлича баҳо берилмаётган бир даврда, айниқса, муҳимдир.

Сиёсатшунос шундай бир фикр-ни асослаб берадики, ўз тарихий илдизларига мурожаат қилиш модернизация жараёни билан қарама-қаршиликка учрамайди, аксинча, янгиланиш қадриятларсиз юзак ва беқарор бўлиб қолади. Мақолада аниқ-тиниқ белгиланганидек, ривожланиш фақат халқнинг маънавий тажрибаси билан, унинг маданий бойликлари ва тарихий хотираси билан мустаҳкамлансагина чинакам тараққиёт юз беради. Муаллиф айтишича, анъаналар тараққиётнинг пойдевори бўла олади ва бўлиши керак ҳам.

Тарихий тажрибага мурожаат қилиш биз сўз юритаётган тахлий мақоланинг муҳим элементи-дир. Сиёсатшунос ёзганидек, мамлакат тарихида қачондир юз берган муҳим янгиланишлар ҳаммиса маънавий захираларни ишга солиш билан бирга кечган. Бундай кузатув принциппал аҳамиятга эга бўлиб, у қадриятларни тарихий тараққиётнинг чинакам омилли сифатида кўрсатиб беради.

Муаллиф тарихий тажрибани айни пайтдаги долзарб кун тартиби билан боғлайди ва бунда қадриятларни тиклаш бугунги куннинг



муҳим вазифаси эканини таъкидлайди. Жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёни, маданий шакллarning стандартлашуви, шунингдек, мислсиз ахборот оқими шароитида миллат ўзининг ноёблигини йўқотиш хавфи остида қолиши ҳеч гап эмас. Айнан шунинг учун ҳам модернизациянинг янгича мақсадларини тарихий ва маданий анъаналар билан бирлаштириш имконини берувчи стратегияларни ишлаб чиқиш керак бўлади.

Сиёсатшунос ҳақли равишда эътироф этганидек, агар жамият ўзининг маънавий мўлжалини сақлаб қолиб ривожлантира олмаса, у дунёдаги анъаналар орасида ўзлигини, ўзига ҳослигини йўқотиб қўйиши ҳам мумкин. Бундай фикр айни замонда, яъни глобал қаҳриқлар ва универсал моделлар зўрма-зўраки тикиштирилаётган, миллий ўзликка хавф туғдиратган бир шароитда, айниқса, долзарбдир.

Муаллифнинг позицияси тахлийий жиҳатдан жуда чуқурлиги ва фуқаролик масъулияти кучли эканлиги билан ажралиб туради. Мақолада шундай бир аниқ-тиниқ фикр бор: миллий қадриятларнинг тўлиқ англаб етилиши ва изчил тикланиб боришигина давлатчиликни мустаҳкамлашга, ислохот-

ларнинг барқарор бўлишига хизмат қилади. Шу йўсинда назарий мулоҳазалар чегарасидан четга чикувчи масала кўтарилади. Яъни ургۇ амалий заруратга берилади ва янгиланиш жараёнининг муваффақияти ҳам шунга боғлиқ эканлиги таъкидланади.

Мақола яна шуни билан ҳам аҳамиятлики, у экспертлар доирасида ва кенг аудиторияда қизиқиш уйғотди. Сиёсатшунос жамиятда анчадан бери кезиб юрган, лекин тизимли таҳлил ва ишончли асосларни талаб этаётган фикрни ифодалаб бера олди. Энди бу фикр тушунарли ва асосли тарзда янгради: қадриятлар — ўтмиш эмас, улар — келажак таянчидир.

Кудратилла Рафиқовнинг “Российская газета”даги мақоласи мамлакатнинг келажаги ҳақидаги баҳсларга залварли ҳисса бўлди. Мақола маънавий қадриятлар устунисиз барқарор давлатчиликни шакллантириш, янгиланиш ва ислохотларни амалга ошириш имконсиз эканини кўрсатиб берди.

Николай КАРЯКИН,
Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Федерал давлат бюджет таълим муассасаси «Волгабўйи тиббий тадқиқотлар университети» ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ — РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар марказида инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жумладан, ёшларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш мақсади турибди. Зеро, ҳар бир ёшнинг муносиб иш билан таъминланиши — мамлакат тараққиётининг энг асосий кафолати.

Нуктаи назар



Дарҳақиқат, юртининг эртаси, миллатнинг келажаги, аввало, ёшларнинг билимли, касб-хунарни, ишли бўлиши билан белгиланади. Шу боис ҳам йигит-қизларнинг таълим олиши, уларнинг касбий

тайёргарлигини кучайтириш, меҳнат бозорида муносиб ўрин топиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишга жиддий аҳамият қаратилмоқда. Наманган давлат техника университетига фаолият бошлаган Карьера ва бандлик маркази ҳам ана шу эзгу мақсад йўлидаги амалий ишлардан биридир.

2025 йилда университетимизни 3741 нафар битирувчи тамомлади. Уларнинг қарийб 90 фоизи иш билан таъминланиши бугунги кунда юртимиз олий таълим муассасалари учун жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Бироқ биз бу билан чекланиб қолишга ҳаққимиз йўқ. Чунки меҳнат бозори кун сайин ўзгармоқда, янги касб ва йўналишлар пайдо бўлаётди. Бинобарин, ёш мутахассислар доимо рақобатбардош, замон талабига жавоб берадиган билим ва кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Карьера ва бандлик маркази айнан шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди. Бу ерда битирувчилар ва талабаларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин топиши учун янги механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Улар марказда ўзига мос касбий йўналишни аниқлаб олиши, замонавий курсларда маълумини ошириши, маҳаллий ва хорижий корхоналар билан онлайн ҳамда офлайн мулоқот қилиш имкониятига эга. Энг муҳими, марказ меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни бир нуктада уйғунлаштирувчи самарали тизим сифатида хизмат қилаётди.

Марказнинг имкониятлари кенг қамровли. Бу ерда ёшларга касбий йўналиш бериш, хорижий тилларни чуқур ўргатиш, турли интенсив курсларни ташкил этиш билан бирга, иш берувчилар билан тўғридан-тўғри

мулоқот қилиш имконияти ҳам яратилган. Ҳозирги кунда 100 дан зиёд йирик саноат корхоналари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, “UzAuto Motors” МЧЖ, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ, Наманган металлургия заводи, “Ифода Агро Кимё Химоя” МЧЖ каби қатор етакчи корхоналар билан ҳамкорлик талабаларимизнинг ишга жойлашиши учун кенг эшикларни очаети.

Шу билан бирга, Карьера ва бандлик маркази фақат иш билан таъминлашга хизмат қилиб қолмайди. Университет қошидаги интенсив курслар орқали талабалар тадбиркорлик кўникмаларига ҳам эга бўлмоқда. Айниқса, марказ қошида фаолият юритаётган “Келажакка қадам” маркази ёшларнинг мустакил бизнес ташаббусларини рўёбга чиқаришда бекиёс ўрин тутати. Жорий йилда ушбу марказ кўмағида 100 нафардан зиёд битирувчиларимиз қарийб 2,5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитларни қўлга киритиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Бу эса ёшларимиз учун жамиятда ўз ўрнини топишдан ташқари, янги иш жойлари очиш ва маҳаллий иқтисодиётга ҳисса қўиши имкониятини ҳам яратди.

“Келажакка қадам” марказининг тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, агар йигит-қизларга ишонч билдирилса, уларга зарур шaroит ва имкониятлар яратилса, ҳар қандай инновацион гоя, стартап лойиҳа ҳаётга таъбиқ этилиши мумкин. Бугун мазкур марказ орқали илгари сурилаётган ташаббуслар нафақат университет ёшларига, балки бутун вилоятдаги ёш тадбиркорлар учун ҳам катта мактабга айланмоқда.

Албатта, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи — бу фақат иқтисодий кўрсаткич эмас. Бу жамиятнинг маънавий-ахлоқий барқарорлиги, оилаларнинг фаровонлиги ва мамлакат тараққиётининг узлуksизлиги учун асосий омилдир. Шу маънода, Наманган давлат техника университетига ташкил этилган Карьера ва бандлик марказини биз ёшларимиз келажаги учун янги имкониятлар дарвозаси сифатида қабул қиламиз.

Муҳаммаджон ДАДАМИРЗАЕВ,
Наманган давлат техника университети
ректори вазифасини вақтинча бажарувчи,
профессор.

Мушоҳада

Ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқларвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ҳамда ғамхўрлиги билан ўлчанади. Шу маънода, бугун юртимизда ҳар бир хотин-қиз юксак ҳурмат ва эҳтиром билан қўллаб-қувватланмоқда. Аёлларга қаратилаётган эътибор, эъзоз туфайли давлат ҳамда жамиятнинг турли соҳаларида улар самарали меҳнат қилиб, юксак натижаларни қўлга киритаётди. Жамият ҳаётидаги иштироки эса кенгайиб, ўрни мустаҳкамланиб борапти.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35, тадбиркорлик соҳасида 45, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг 27 фоизи аёллардир. Вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда хотин-қизлар улуши 2018 йилда салкам 3 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган даврда икки ярим баробар ошиб, 7,7 фоизга етгани эътиборлидир. Вазирлик ҳамда идоралардаги ходимларнинг 49 фоизи хотин-қизлардир.

Айтиш жоизки, ўтган даврда ушбу соҳага оид юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Энг аввало, янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаши белгилаб қўйилди. Бу, конституциявий норма, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир аёлни оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси сифатида кўришимизга имконият беради.

Стратегияда акс этган ҳаётий ташаббуслар

Аёлларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, тиббий ёрдам бериш тизими йўлга қўйилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш йўналишида жамиятда хотин-қизларга таъйик ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, соғлом, билимли, маънавий бар-

Кузатувчи эмас, янгиланишларнинг фаол иштирокчилари



Аёллар тадбиркорлигида янги босқич

даси бўлиб, уларнинг нафақат оилада, балки жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Аёллар тадбиркорлигини янги босқичга кўтариш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилда имзоланган иккита муҳим ҳужжат аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди, десак, асло янглишмаймиз.

Жумладан, шу йил 7 мартдаги “Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарор билан хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун қўшимча 200 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит ресурслари ажратилиши белгиланди. Бу ўтган йилдаги нисбатан икки баравар кўпдир.

Шунингдек, 14 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда 2 миллион нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, 250 минг нафарини касб-хуна ва тадбиркорликка ўқитиш, 250 минг нафарини олий таълим билан қамраб олиш белгилаб қўйилди.

Мазкур ҳужжат билан аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг яхлит тизимини “Бизнесга илк қадам”, “Бизнесни йўлга қўйиш”, “Бизнесни кенгайтириш”, “Бизнесни юксалтириш” каби йўналишларда жорий қилиш кўзда тутилди. Қарорларда белгиланган устувор вазифалар самарали ижро этилаётгани аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг бандли-

ги бўлишига ҳамда ижтимоий ҳимоясини таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, стартапларни қўллаб-қувватлаш ва молиявий имкониятларни кенгайтиришга, миллий иқтисодиётда аёлларнинг иштироки орқали янги иш ўринлари яратиш ва инновацияларни илгари суришга шароит яратди. Энг муҳими, аёллар масалалари бўйича мулоқот ва ҳамкорлик майдони сифатида Ўзбекистоннинг нуфузини янада мустаҳкамлайди.

Албатта, бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар опа-сингилларимизнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаши билан бирга ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини ошириб, ташаббус кўрсатишга руҳлантирмоқда. Зеро, ҳар бир хотин-қизга эътибор ва ҳурмат кўрсатиш, илгор гояларини амалга ошириши учун имкон бериш мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигининг кафолатидир.

ғини таъминлаб, оилалар фаровонлигини юксалтиришга йўл очмоқда.

Хотин-қизлар масаласи юксак минбарда янгради

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясидаги нутқда хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Мамлакат раҳбари ўз нутқда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда уларнинг салоҳиятини тўла намоён этишга қаратилган сиёсат юритилаётганини таъкидлади. Жумладан, гендер сиёсатининг изчил давом этирилиши баён қилиниб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг ролини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш йўлида собитқадам эканлиги билдирилди.

Яна бир муҳим масала. Мамлакатимиз номидан таклиф этилган Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириш ташаббуси ҳам аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини глобал микёсда ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлади.

Халқаро микёсда кенг аҳамиятга эга ушбу нуфузли анжуман Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида глобал ва минтақавий масалаларда фаол иштирокини яна бир бор намоён қилишига имкон беради. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, стартапларни қўллаб-қувватлаш ва молиявий имкониятларни кенгайтиришга, миллий иқтисодиётда аёлларнинг иштироки орқали янги иш ўринлари яратиш ва инновацияларни илгари суришга шароит яратди. Энг муҳими, аёллар масалалари бўйича мулоқот ва ҳамкорлик майдони сифатида Ўзбекистоннинг нуфузини янада мустаҳкамлайди.

Гулнора АБДУРАХМОНОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

TOSHKENT TO‘QIMACHILIK VA YENGIL SANOAT INSTITUTI

OLIV O‘QUV YURTIDAN KEYINGI TA‘LIM INSTITUTIGA 2026-YIL UCHUN QUIYIDAGI IXTISOSLIKLAR BO‘YICHA QABUL E‘LON QILADI:

TAYANCH DOKTORANTURA (PhD)

02.00.06	- Yuqori molekulyar birikmalar	- 3 ta o‘rin
05.02.03	- Texnologik mashinalar. Robotlar, mexatronika va robototexnika tizimlari	- 5 ta o‘rin
05.06.01	- To‘qimachilik va yengil sanoat ishlab chiqarishlari materialshunosligi	- 2 ta o‘rin
05.06.02	- To‘qimachilik materiallari texnologiyasi va xomashyoga dastlabki ishlov berish	- 9 ta o‘rin
05.06.03	- Teri, mo‘yna, poyabzal va teri-galantereya buyumlari texnologiyasi	- 2 ta o‘rin
05.06.04	- Tikuvchilik buyumlari texnologiyasi va kostyum dizayni	- 3 ta o‘rin
08.00.07	- Moliya, pul muomalasi va kredit	- 1 ta o‘rin
08.00.13	- Menejment	- 1 ta o‘rin
10.00.06	- Qiyosiy adabiyotshunoslik, chog‘ishtirma tilshunoslik va tarjimashunoslik	- 4 ta o‘rin
05.01.08	- Texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishlarni avtomatlashtirish va boshqarish	- 2 ta o‘rin

DOKTORANTURA (DSc)

02.00.06	- Yuqori molekulyar birikmalar	- 1 ta o‘rin
05.02.03	- Texnologik mashinalar. Robotlar, mexatronika va robototexnika tizimlari	- 2 ta o‘rin
05.06.02	- To‘qimachilik materiallari texnologiyasi va xomashyoga dastlabki ishlov berish	- 2 ta o‘rin
05.06.03	- Teri, mo‘yna, poyabzal va teri-galantereya buyumlari texnologiyasi	- 1 ta o‘rin
05.06.04	- Tikuvchilik buyumlari texnologiyasi va kostyum dizayni	- 1 ta o‘rin
08.00.07	- Moliya, pul muomalasi va kredit	- 1 ta o‘rin

STAJYOR-TADQIQOTCHILIK

05.02.03	- Texnologik mashinalar. Robotlar, mexatronika va robototexnika tizimlari	- 2 ta o‘rin
05.06.02	- To‘qimachilik materiallari texnologiyasi va xomashyoga dastlabki ishlov berish	- 3 ta o‘rin
05.06.01	- To‘qimachilik va yengil sanoat ishlab chiqarishlari materialshunosligi	- 1 ta o‘rin
05.06.04	- Tikuvchilik buyumlari texnologiyasi va kostyum dizayni	- 1 ta o‘rin

Talabgorlar “https://daraja.ilmiy.uz/” sayti orqali onlayn tarzda ro‘yxatdan o‘tadi va quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

- ariza;
- qisqacha biografik ma‘lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi;
- oliy ma‘lumot, fan nomzodi yoki falsafa doktori (PhD) ilmiy darajaga ega bo‘lganligi to‘g‘risidagi diplom nusxasi (DSGga talabgorlar uchun);
- oliy ta‘lim muassasasi magistraturasi diplom, oliy ma‘lumot to‘g‘risidagi diplom nusxasi ilovasi bilan (PhDga talabgorlar uchun);
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro‘yxati, shuningdek, ularning nusxalari;
- O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasini topshiradi (PhDga talabgorlar uchun);
- pasport nusxasi;
- xorijiy tilni bilish darajasini tasdiqlovchi (Ixtisoslik bo‘yicha talab etilgan “B1”, “B2”, “C1” darajadagi milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat) nusxasi talab etiladi.

Tayanch doktoranturaga talabgorlar quyidagi fanlardan kirish imtihonlarini topshiradi:

- Mutaxassislik.
- Doktorantura va stajyor tadqiqotchilikka talabgorlar suhbatdan o‘tishadi.**

Hujjatlarni onlayn ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risida “https://daraja.ilmiy.uz/” saytidagi yo‘riqnoma orqali tanishish mumkin. Hujjatlarni qabul qilish muddati 2025-yil 5-noyabrgacha. Murojaat uchun manzil: Toshkent shahri, Shohjahon ko‘chasi, 5-uy, Toshkent to‘qimachilik va yengil sanoat institutining 1-binosi, 521-xona, tel.: 71-253-08-08, 71-253-61-05, 90-808-27-81.

Ўзбекистон Бадий академияси Икуо Хираяма халқаро маданият карвон саройида «Хигашикаванинг фотосуратлар шахри сифатида 40 йил: Хигашикава фотоқўргазмаси» номли қўргазма очилди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанин ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибиёт 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6